**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХРОНОВА ДИЛРАБО КЕЛДИЁРОВНА**

# ЎЗБЕК ВА ИСПАН ТИЛЛАРИДА ОЛАМ МАНЗАРАСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ КАТЕГОРИЯЛАНИШИ

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**УЎК: № 811.134.2, 811.512.133, 81-2**

## Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

## Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**
Ўзбек ва испан тилларида олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланиши .......... 3

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**
Лингвокогнитивная категоризация картины мира в узбекском и испанском языках .......... 33

**Bakhronova Dilrabo Keldiyorovna**
Linguo-cognitive Categorization of the Picture of the World in Uzbek and Spanish Languages .......... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of publications .......... 69

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХРОНОВА ДИЛРАБО КЕЛДИЁРОВНА**

# ЎЗБЕК ВА ИСПАН ТИЛЛАРИДА ОЛАМ МАНЗАРАСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ КАТЕГОРИЯЛАНИШИ

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fil359 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат шарқшунослик университети веб-сайти (www.tsuos.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Омонов Қудратулла Шарипович**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Сафаров Шаҳриёр Сафарович**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Худайберганова Дурдона Сидиковна**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Вирна Веласкес Вилчис (Мексика)**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети** |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «____» _____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (998 71) 233 34 24; факс: (998 71) 233 52 24; e–mail: info@tsuos.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__________-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (998 71) 233 34 24; факс: (998 71) 233 52 24; e–mail: info@tsuos.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» __________ куни тарқатилди.

(2022 йил «_____» __________ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

**А.М.Маннонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Р.А.Алимухамедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори

**Х.З.Алимова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири турли тизимли тилларда акс этган олам манзарасини категориялашда миллий-маданий хусусиятларнинг универсал ва уникал жиҳатлари илмий тадқиқи саналмоқда. Дунё тиллари олам манзарасини (содда, фалсафий, лисоний, диний, фольклор, маданий ва ҳ.к.) ўрганишда фаол бўлган тил бирликлари моҳияти ва уларнинг тилда воқеланишини тавсифлаш, ушбу ҳодисаларни оламнинг турли манзаралари кесимида категориялаш, тафаккурда унинг шаклланиш ҳамда вербаллашувига асос бўладиган лисоний ва нолисоний омилларни аниқлаш долзарб ҳисобланмоқда.

Дунё тилшунослигида олам манзарасининг кенг миқёсдаги тадқиқи лингвокультурология, когнитив тилшунослик, социолингвистика каби йўналишлар доирасида қизғин тус олди, бунда тил бирликларининг инсон нутқий фаолиятидаги ролини аниқлаш, олам манзарасини тоифалашда турли тизимли тиллар назарий-методологик тамойилларини белгилаш, этнослар миллий ментал тафаккурининг мажмуавий кўринишдаги изчил тадқиқи муаммоси глобаллашган ва интеграллашган жаҳон илм-фанида чуқур тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда. Олам манзарасининг категориялаштирилиши индивидуал-муаллифлик модификацияси ва этносга хос билимлар интеграциясида лисоний ва ментал ифодалашнинг ўзаро таъсирини асословчи, ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи кўп қиррали когнитив-стилистик ҳосила сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбек тилшунослигида олам лисоний ва концептуал манзарасида лисоний бирликларнинг илмий-амалий тадқиқи изчил ўрганилмоқда. Шу қаторда ўзбек тилини бошқа тилларга чоғиштирган ҳолда унинг бойликларини юзага чиқариш ҳамда ривожланган тиллар қаторига қўшиш давлат сиёсати масаласига айланди, «...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш»[1], «давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш услубиётларини яратиш ҳамда ушбу йўналишда мутахассисларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш»[2] масалалари кун тартибига қўйилди. Олам манзараси халқларга тегишли тил, дин, адабиёт орқали ифодаланади, муайян маданиятга оид инсонлар фаолиятининг вербаллашувида намоён бўлади ва ушбу этносга хос стереотип тушунчаларни акс эттиради. Ўзбек ва испан тилларига хос олам манзараси тадқиқи ҳозирга қадар махсус фундаментал ўрганиш объекти бўлмаганлиги, олам манзарасини категориялаштириш масаласи кун тартибига қўйилмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–4797-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг

---

[1] «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Манба:// https://lex.uz/docs/5058351

[2] «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сонли Ўзбекистон Республикаси президентининг Қарори. Манба: https://lex.uz/docs/5426736

давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6084-сонли, 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли каби фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар бажарилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[3].** Олам манзараси ҳамда турли тиллар эгалари тафаккуридаги олам манзарасининг асосий когнитив-прагматик тасвир воситаси, турли халқлар миллий-маданий ўзига хосликларининг муҳим белгиси ҳисобланган тил бирликларининг семантик ва когнитив тадқиқи масаласига оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Universidad de Granada (Испания), Universidad de Barcelona (Испания), Universidad Autónoma de Aguascalientes (Мексика), Universidad de Antioquia Colombia (Колумбия), Universidad Nacional Mayor de San Marcos (UNMSM) (Перу), University of Pennsylvania, University of Illinois (АҚШ), Uniwersytet Śląski (Польша), Universidad de Nanjing (Хитой), Тамбовский государственный университет имени Г.Р. Державина, Сыктывкарский государственный университет имени П.Сорокина, Санкт-Петербургский государственный университет (Россия), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида олам манзарасининг лингвокогнитив ва лингвомаданий доирасидаги тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий умумлашма натижаларга эришилган: «оламнинг лисоний манзараси» йўналишида метафоралар, фразеологик бирлик (бундан буён ФБ) ва паремиялар орқали

---

[3] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи https://www.ugr.es/, https://www.ub.edu/web/portal/es/, https://spbu.ru/, https://www.uaa.mx/portal/, https://www.upenn.edu/, https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3086103, https://www.uzswlu.uz/, http://www.tsutmb.ru/, udep.edu.pe/hoy/2016/la-metafora-como-fenomeno-cognitivo-estructura-nuestro-pensamiento-y-actuar/; www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

миллийликнинг акс этиши масаласи тадқиқ қилинган (Universidad de Granada, Uniwersytet Opolski, University of California); когнитив нуқтаи назарга кўра, олам манзараси ментал тузилманинг тилга трансформацияси сифатида бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг вербал кўриниши эканлиги аниқланган (Groningen University, Utrext University, Нидерландия), лингвокогнитологик ва лингвокультурологик ёндашувларга кўра, тил, тафаккур ва маданият ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни сақлаш, аждоддан авлодга узатиш, маданиятлараро мулоқотни юзага келтириш ва уни ривожлантириш хусусиятига эга эканлиги, бунда у ҳам идрок ва ҳам маданият маҳсули, ҳам унинг мавжудлигининг асосий шарти сифатида шахс когницияси ва маданият қиёфасини белгиловчи, унинг ворисийлигини таъминловчи омил вазифасини бажариши тадқиқ этилган (University of California, Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası), когнитив ва лингвокультурологик нуқтаи назардан олам манзараси индивиднинг ментал нутқий тафаккури маҳсули, объектив борлиқни тил тизими воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлиши исботланган (University of California, Berkeley; Московский государственный лингвистический университет, Тамбовский государственный университет), бадиий матнларда мифологик манзаранинг акс этиши асослаб берилган (Ўзбекистон Миллий университети), ўзбек, инглиз, испан ва рус тилларида олам лисоний, концептуал манзараси шаклланиши ва функционал-прагматик хусусиятлари, ўзбек когнитив тилшунослиги тамойиллари илмий асосланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети). Шунингдек, ўзбек тилини қиёсий-чоғиштирма тадқиқи доирасида олам лисоний, концептуал, мифологик, диний манзаралари шаклланишида образ ҳамда мотивлар, тилларaро эстетик ва лингвистик интерференция муаммосининг вужудга келиши, бадиий дискурсда олам манзарасининг маданий код сифатидаги талқини каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш билан бирга Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат чет тиллари институти (Ўзбекистон)да ушбу масалалар моҳиятини ўрганиш борасида тадқиқотлар яратилган.

Жаҳон тилшунослигида олам манзарасининг лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян этнос тилининг когнитив, лингвокультурологик, психолингвистик ва нейролингвистик хусусиятларини белгилаш, оламнинг турли манзаралари яралишида тилнинг ўрни, унинг когнитив-семантик хусусиятига доир қонуниятларини очиш, олам манзараси ифодасида воқеликни категориялаштириш ва концептуаллаштиришда тилдаги шахсият психологияси омили табиатини ўрганиш, чет тили ўқитиш методикасини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштиришда миллий-маданий интерференция муаммосини ҳал қилиш; ўзбек тилининг паремиологик тизимини бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар лексикологияси ва фразеологияси билан қиёсий ёхуд чоғиштириб ўрганиш, индивидуал-муаллифлик манзарасида ижодкорнинг тутган ўрнини белгилаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтган аср охирларигача тилшунослик фани тилни инсондан айри ҳолда ўрганиб келди. Ҳозирги тилшунослик антропоцентрик парадигмасида лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психолингвистика, нейролингвистика, социолингвистика ва бошқа соҳаларида тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва инсон омили, тил ва тарих масалаларига дастлаб эътибор қаратган Алишер Навоий, В.фон Ҳумболдт, А.Вайсгербер каби мутафаккир ва олимлар тадқиқотларида тилга олинган инсон омили масаласи янада чуқурлашди, тадқиқотлар марказига кўчди.

Дунё тилшунослигида когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, лингвокультурологияга оид Ж.Лакофф, М.Жонсон, А.Баранов, В.Карасик, В.Воробьев, Z.Kövecses, Н.Караулов, Н.Жинкин, В.Красних, Н.Болдирев, Д.Ашурова, М.Ҳакимов, Ш.Сафаров, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, М.Расулова, С.Боймирзаева, Д.Худайберганова, Ш.Усмонова, А.Маматов, М.Галиева, Р.Маджидова, И.Азимова, Г.Багирова[4] каби тилшунослар илмий изланишлар олиб борганлар. Бу олимларнинг тадқиқотларида, асосан концептларнинг когнитив ва маданий хусусиятлари, шу қаторда оламнинг лисоний, концептуал манзаралари тил бирликлари (метафора, фразеологик бирликлар) орқали батафсил ва тизимли таҳлил қилиниб, ўрганилаётган материалнинг концептуал ва методологик жиҳатдан ўзига хослиги очиб берилган.

Хорижда когнитив тилшунослик Калифорния университети ва Нью-Йорк давлат университетининг когнитив фанлар марказида, Голландия ва Германия ҳамда Россия тилшунослигида самарали ўрганилаётган бўлса, Испанияда бу соҳадаги тадқиқотларнинг шаклланиши XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошланди. 1998 йилда Аликантеда биринчи испан когнитивист олимлари

[4] Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.; Баранов А.Н. Дескрипторная теория метафоры. – Москва: Языки славянской культуры, 2014. – 632 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – Москва, 1997; Kövecses, Z. Metaphor: a practical introduction. – Oxford: Oxford University Press, 2002. – 287 p.; Караулов Ю.Н. Языковая личность. – Москва: Наука, 2004. –264 с.; Жинкин Н.И. О кодовых переходах во внутренней речи // Вопросы языкознания. – Москва, 1964. – № 6. – С.26-38; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. – Москва: Гнозис, 2002. – 284с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная лингвистика. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 251 с.; Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // Linguistics. – Тошкент, 2010. – 324с.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 285 б.; Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №6. – Б. 104-107; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8; Маҳмудов Н. Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5.– Б. 3-10; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3.– Б. 35-39; Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2010. – 320 б.; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. д-ри. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2015. –102 б.; Усмонова Ш. Психолингвистика / Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 60 б.; Усмонова Ш., Бекмуҳамедова Н., Искандарова Г. Социолингвистика. – Тошкент: Университет, 2014. – 83 б.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? Илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220; Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши. Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – 78 б.; Маджидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида). Фил. ф. д. (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2020 – 76 б.; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.; Багирова Г.Ф. Лингвокультурологический аспект языковой личности в англоязычном художественном дискурсе. Автореф. дисс. д-ра философии по филол. – Баку, 2016.

конгрессида Испания когнитив тилшунослик ассоциацияси тузилди. Х.Валенсуела Мансанарес, Р.Ллопис Гарсия, А.Кастанеда Кастро, М.Куенка каби олимлар тил, онг ва идрокнинг ўзаро таъсири, Ф.Руиз де Мендоса Ибанес вербализация жараёни ва табиий тилни тушуниш, И.Ибарретхе-Антуняно метафора ва метонимик муносабатлар, Х.Гонсалес ва Х.Дуран концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнлари, Х.Сифуентес, Т.Моур прототиплар ва базис даражали категориялар назарияси, А.Лопес Гарсия чет тилларини ўқитишда когнитив ёндашув муаммосини ўрганганлар[5]. Тадқиқотимизда этнослар олам манзарасини ёрқин очиб беришда ўзбек ва испан тилининг изоҳли луғатлари ҳамда бадиий адабиётдан олинган мисоллар фактик манба вазифасини бажарди.

XX асрда тилшунослик соҳасида янги йўналишларнинг жадал ривожи лингвистиканинг концептуал ва металисоний аппаратига *олам манзараси* терминининг кириб келиши билан алоҳида аҳамият касб этди. Шу қаторда испан терминологиясида «олам манзараси» тушунчаси изоҳли луғатда (DRAE) *visión del mundo (оламни кўриш[6])* ва *cosmovisión (дунёқараш)* терминларида келтирилади. Луғатда *visión del mundo* термини инглизча *World View (оламни кўриш*) терминига ўхшаса, *cosmovisión* термини эса, ўз навбатида, *Welt – дунё, олам* ва *anschauen – қараш* сўзларидан ҳосил бўлган немисча *Weltanschauung* сўзидан келиб чиққанлиги ёритилган[7]. Испан тилшунослигида олам манзараси термини дунёқараш терминига синоним тушунча сифатида қўлланилади.

Х.Дураннинг сўзларига кўра, олам манзараси, бу атрофимиздаги воқеликнинг бутун мураккаблиги ва кўп қирралилигининг акс этишидир[8]. Демак, олам манзараси – инсон дунёқарашининг асоси бўлган борлиқнинг глобал қиёфаси, яъни инсоннинг когнитив ва маънавий фаолияти натижасида оламни идрок этиш, англаш йўлидаги муҳим хусусиятларни ифодалайди. Н.Васильева ва бошқаларга кўра[9], *олам манзараси* субъектнинг объектив реал ёки хаёлий воқеликка оид билим ва фикр-мулоҳазалари жамланмасидир. З.Попова ва И.Стернинлар фикрича, олам манзараси деганда, доимий равишда ўзгариб, ривожланаётган объектив воқелик тушунилади. Олимлар инсон олам манзарасини факт ва нарса-предметларнинг тартибсиз тўплами сифатида эмас, балки

---

[5] Valenzuela Manzanares, J. Esquemas cognitivos y construcciones gramaticales en el verbo inglés: estudio de un corpus de biología molecular. – Murcia: Servicio de Publicaciones Universidad de Murcia, 1996. – 436 p.; Llopis García, R. Gramática cognitiva para la enseñanza del español como lengua extranjera. – Ministerio de Educación, 2011. – 246 p.; Castañeda Castro, A. Aspectos cognitivos en el aprendizaje de una lengua extranjera. – Granada: Impredisu, 1997. – 123 p.; Cuenca, M.J. Introducción a la lingüística cognitiva. – Barcelona: Ariel, 1999. – 123 p.; Ruiz de Mendoza Ibáñez, F.J. Principios cognitivos y pragmáticos del procesamiento y la comprensión// Arbor. – 2004. – Vol. 177, No 697. – P. 3-28.; Ibarretxe-Antuñano, I. Vision metaphors for the intellect: Are they really cross-linguistic? – Atlantis. – 2008. – P. 15-33.; González,J.C. Perspectivas contemporáneas sobre la cognición: categori- zación, percepción y conceptualización. – México, 2006. – 294 p.; Durán, J.L. Aspectos universales y particulares del léxico de las lenguas del mundo. – Granada: Método ediciones, 2000. – 655 p.; Cifuentes Honrubia,J.L. Teoría de prototipos y funionalidad semántica. E.L.U.A. – 1992. – Vol. 8. – P. 133-177.; Moure, T. La teoría de prototipos y su aplicación en gramática// Contextos. Centro de Estudios Metodológicos e Interdisciplinares de la Universidad de León. – 1994. – No 23. – P. 167-220.; López García, A. Gramática cognitiva para profesores de español. – Madrid: Arco/Libros, 2005. – 248 p.

[6] Тадқиқотда келтирилган испанча мисоллар таржимаси муаллифга тегишли.

[7] Diccionario de la Real Academia Española (DRAE). – Madrid, 2001, Tomo 1. – 1581 p.

[8] Durán J.L. Aspectos universales y particulares del léxico de las lenguas del mundo. – Granada: Método ediciones, 2000. – p. 492.

[9] Васильева Н.В., Виноградов В.А., Шахнарович А.М. Краткий словарь лингвистических терминов. – Москва: Русский язык, 2003. – С.47.

«ижтимоий онгда шаклланган воқелик ҳақидаги билимларнинг тартибга солинган умумлашмаси» тарзида қабул қилади[10], дейдилар. Илмий тасниф ва талқинлар негизида мужассам бўлган олам тўғрисидаги дастлабки билимлар айнан тилда турғун шакллар кўринишида сақланиб қолган. Ўзбек илмий адабиётларида *дунё тасвири, дунё манзараси, дунё образи* ва *олам модели* терминлари ҳам учрайди, бироқ *олам манзараси* бирикмаси илмий термин сифатида фаол қўлланмоқда. Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида оламнинг лисоний, концептуал, диний манзаралари бўйича салмоқли лингвокогнитологик ва лингвокультурологик тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланиши ўзбек ва испан тиллари материаллари чоғиштирма аспектида махсус тадқиқ қилинган эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Филология ва таржимонлик йўналишида мутахассислар тайёрлаш» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва испан тилларида олам манзарасини категориялаштириш жараёнининг лингвокогнитив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«оламнинг фалсафий манзараси», «оламнинг лисоний манзараси», «оламнинг фольклор манзараси» ва ҳ.к. терминлар асосида олам манзараси ҳақида жаҳон тилшунослигида мавжуд назарияларга муносабат билдириш;

ўзбек ва испан жамиятида олам манзарасига хос атрофдаги воқеликни қабул қилиш, уни акс эттиришнинг образли-ҳиссиётли, прагматик ва экспрессив компонентларининг этник жиҳатдан ўзига хослигини асослаб бериш;

ўзбек ва испан тиллари мисолида олам манзарасининг лингвокогнитив, лингвомаданий ва аксиологик хусусиятларини аниқлаш;

олам манзараси тузилмасида этник компонентлар этимологиясини аниқлаш, олам манзарасининг когнитив-концептуал, миллий-маданий ва тарихий-этимологик хусусиятини ёритиш;

олам манзарасида маданий код ўрнини асослаш, олам манзарасини категориялаш бўйича назарий хулосаларни далиллаш;

олам манзарасини муқоясалаш орқали тил бирликларининг кўчма маъноларини семантик таҳлил қилиш ва унинг когнитив-семантик, антропометрик, лингвомаданий белгиларга асосланган тавсифини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва испан тиллари изоҳли луғатлари, ушбу тилларда олам манзараси талқин қилинган бадиий адабиёт намуналари танланган ва манба сифатида таҳлилга жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек ва испан тиллари олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланишида концептуал тушунчалар, миллий, диний, лисоний манзара кабиларни очиб беришда лингвогеографик, лингвоаксиологик омилларнинг тутган ўрни, универсал ва миллий-маданий хусусиятларини

---

[10] Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж, 2007. – С.36.

асослашда терминларнинг ўзига хос табиати, фольклор ва мифологик манзара моҳиятида тотем ҳамда геральдиканинг роли каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** чоғиштириш, тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, когнитив-концептуал таҳлил ва кросс-маданий таҳлиллардан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги**:

олам манзарасини категориялашда индивидуал-муаллифлик модификациясининг ўрни, этносларга хос билимларни лисоний-ментал ифодалашнинг когнитив-стилистик ҳосиласи мажмуавий механизм сифатида асосланган;

олам манзараси тавсифида намоён бўлувчи тилдаги шахсиятнинг лисоний онгидаги когнитив жараёнлар унинг лисоний, фольклор, мифологик, диний, сиёсий, миллий манзара каби деталлаштирилишига олиб келиши исботланган;

илк бор ўзбек ва испан тилларидаги илмий ҳамда бадиий материаллар мисолида олам манзарасини категориялашга хизмат қилувчи воситаларнинг концептуал-мазмуний хусусиятларини очиб беришга йўналтирилган *ҳаёт – ўткинчи, умр – оқар дарё, el descaro es la felicidad (андишасизлик – бахтга йўл), la vida es mentira (ҳаёт – ёлғон)* каби концептуал-метафорик белгилар билан қамраб олинган кроссмаданий моделлари ишлаб чиқилган;

олам манзарасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тоифаланган ҳар бир манзара махсус кодга эгалигининг лингвокогнитив жиҳатлари *нигоҳ – бургут, юрак – отнинг калласи; қўрқоқлик – қуён, чумчуқ, жигар – яқин қариндош; ojos – aguilas, cobarde – gallina, lagartija, mariposa, riñon – dinero* каби ашёвий материаллар орқали далилланган ҳамда маданий код тушунчаси ва уни дешифровкалашнинг асослари исботланган;

ўзбек ва испан тиллари мифологик ва фольклор манзаралари хусусиятларини очиб беришда *бўри, condor* каби тотемизм ва геральдик белгилар муҳим аҳамиятга эга эканлиги давлат рамзлари таҳлили орқали далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва испан миллати онгу-шуурига сингиб кетган ва маданийлашганлик жиҳатидан оламнинг турли манзаралари метафора ва иборалар чоғиштирма тадқиқ асосида категориялаштирилган;

олам миллий-маданий манзараси хусусиятларини ифодаловчи оғзаки ва ёзма ёдгорликлар, этнослар миллий-маданий меросини акс эттирувчи ахборот манбаи ҳисобланган тотем ва геральдик белгиларнинг когнитив-концептуал ифодаси очиб берилган;

олам манзараси тузилмасида этник компонентлар этимологияси аниқланган, олам манзарасининг когнитив-концептуал, миллий-маданий ва тарихий-этимологик хусусияти ёритилган; олам манзараси воқеланган метафора ва иборалар аксиологик-баҳоловчи хусусиятга эга эканлиги аниқланган, SCOPUS журналларида тадқиқот натижалари чоп этилган;

олам манзарасини ёритишда испан ва ўзбек тилларидаги метафора ва фразеологик бирликларнинг чоғиштирма-этимологик таҳлили натижасида ҳар иккала миллат дунёқараши, этнопсихикаси, урф-одатларининг умумий ва хусусий жиҳатлари асосланган;

ўзбек ва испан тилларида олам манзарасини чоғиштириш орқали тил бирликларининг кўчма маънолари семантик таҳлил қилинган ва олам

манзарасининг когнитив-семантик, антропометрик, лингвомаданий белгиларига асосланиб категорияларга ажратилган;

тадқиқот натижасида луғат яратилган ва монография чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий маълумотлар ва фактик материалларни қўллашда ишончли илмий манбалардан фойдаланилгани, мисолларнинг ўзбек ва испан тилларидаги луғатлар ҳамда илмий, бадиий адабиётлардан олинганлиги, ишнинг ўрганилиш доираси аниқ белгиланиши, концептуал таҳлил, тавсифлаш, компонент таҳлил каби усуллар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, мамлакатимиз ва хорижий олимлар фундаментал тадқиқотларида фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган материаллар ва олинган натижалар когнитология, лингвокультурология, семантика, таржимашунослик, лексикология, фразеология каби фанлардан илмий адабиётлар яратишда ҳамда келгусида ўзбек ва испан тиллари олам манзараси тадқиқига оид когнитологик, тарихий-этимологик, миллий-маданий, баҳоловчи-аксиологик тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар, ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядан олинган натижалар «Таржима назарияси ва амалиёти», «Замонавий лингвистика», «Мамлакатшунослик», «Матн лингвистикаси», «Роман-герман филологиясига кириш» каби фанларни ўқитишда, семинар, махсус курслар ташкил этишда аҳамиятли манба сифатида қўлланилиши, назарий фикр-мулоҳазалардан лингвокогнитология, чоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик, лексикология, лингвокультурология фанларини ўқитишда, ўзбек ҳамда испан тилини ўргатиш учун дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлашда, луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Испан ва ўзбек тилларида олам манзарасининг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

диссертациядаги замонавий тилшуносликнинг лингвокогнитив таҳлил масалалари, халқ ва менталитет, инсон – тил – тафаккур – маданият, дунёқараш, оламнинг турли манзараси, концептуал тадқиқотлар, этнослар тарихида миллатнинг/шахснинг лисоний онги, матннинг концептуал мағзи, маданий код ҳамда тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва инсон, тил ва тарих масалалари билан боғлиқ хулосалардан ОТ-Ф1- 71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» номли фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2021 йил 2 июндаги 03/1179-сон маълумотномаси). Натижада илк ва ўрта асрларда Марказий Осиё халқларининг этнолингвистик қиёфаси, тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва инсон, тил ва тарих масалаларини ёритишга хизмат қилган;

таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш жараёнида ибора ва идиоматик бирикмалардан фойдаланиш, таржимада ҳар бир миллатнинг маданий

коди ҳисобланган тил бирликлари моҳиятини очишга доир мулоҳазалар Испаниянинг Жаҳон университетлари рейтинги (QS World University Rankings) рўйхатида 459-ўринда турувчи Саламанка университетида олиб борилаётган тадқиқотларда фойдаланилган (Саламанка университети Centro de Estudios Ibericos y Americanos de Salamanca 2021 йил 5 июлда берилган 03.72-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидан испан тилига, испан тилидан ўзбек тилига таржималарнинг мукаммаллашувига доир тавсиялар ишлаб чиқилган ва таржималар мазмунига сингдирилган;

турли тиллар олам манзараси ҳақидаги тадқиқот хулосаларидан Жаҳон университетлари рейтинги (QS World University Rankings) рўйхатида 801-ўринда турувчи Мексика давлат автоном университетида «Metáforas y estudios culturales del español y uzbeko» мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ва ўқув жараёнида фойдаланилган (Мексика давлат автоном университетининг 2021 йил 3 майдаги 799-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши олам манзараси миллий ўзига хосликка эгалиги ва уни категориялаш тамойили маълум когнитив формулаларга асосланганлигининг очиб берилиши тингловчиларнинг илмий ва амалий билимларини оширишга ёрдам берган;

олам манзараси тавсифида намоён бўлувчи тилдаги шахсиятнинг лисоний онгидаги когнитив жараёнлар унинг лисоний, сиёсий, миллий манзара каби деталлаштирилиши, оламнинг ҳарбий-лисоний манзараси, тил сиёсати каби тадқиқот иши натижалари ва материалларидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртининг ҳужжатларида ва кўргазмали стендлар матнларида фойдаланилган (Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртининг 2021 йил 16 июлдаги 526-сон далолатномаси). Натижада билим юртининг кўргазмали стендларида фойдаланилган маълумотлар, ҳужжатлардаги ҳарбий терминологик таржималар ва матнларни тўғри ифодаланишига эришилган;

олам манзарасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тоифаланган ҳар бир манзара махсус кодга эгалигининг лингвокогнитив жиҳатлари қўрқоқлик – қуён, чумчуқ, жигар – яқин қариндош; ojos – aguilas, cobarde – gallina, lagartija, mariposa, riñon – dinero каби тадқиқотдан олинган амалий натижалар асосида «Испан ва ўзбек тили луғати»нинг электрон варианти яратилган. Ушбу луғатнинг қамрови остига кирувчи термин ва лексемаларнинг миқдори ҳамда уларнинг изоҳлари маънодорлиги ошган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2016 йил 28 июнда берилган № DGU 03894 рақамли гувоҳнома). Натижада сўзларнинг адекват таржималари ва луғат мақолалари остида берилувчи ибораларнинг испан тилидан ўзбек тилига муқобил вариантлари берилиши луғатнинг самарадорлик жиҳатини оширган;

олам манзарасининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ички категориял манзараларга ажратилганда ҳар бир манзара ўзига хос кодга эгалигининг лингвокогнитив хусусиятлари таҳлилидан Европа испан тили ўқитувчилари ассоцияцияси (Acociación Europea de los profesores de español) конгресси материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Европа испан тили ўқитувчилари ассоцияциясининг 2021 йил 3 майдаги 22/2019-сонли маълумотномаси). Натижада испан ва ўзбек халқларининг этнолингвистик қиёфаси, тафаккур ва маданиятига

оид масалалар ёритилган материаллар конгресс иштирокчилари билимларини бойитишга хизмат қилган;

диссертациянинг илмий янгиликлари, хусусан, олам миллий-маданий манзараси хусусиятларини ифодаловчи оғзаки ва ёзма ёдгорликлар, этнослар миллий-маданий меросини акс эттирувчи ахборот манбаи ҳисобланган тотем ва геральдик белгиларнинг когнитив-концептуал ифодаси тавсифидан Эрасмус+ дастурининг ICM, KA-107-International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan State University of World Languages and Valladolid University (Spain) – «2019-1-ES01-KA107- 061356» – (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистан Олий Таълим муассасалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Вальядолид университети (Испания) ўртасидаги кредит сафарбарлиги) (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 17 мартдаги IRD/21-сон маълумотномаси) халқаро лойиҳаси доирасида фойдаланилди. Натижада, илк бор ўзбек ва испан тилларидаги илмий ҳамда бадиий материаллар мисолида олам манзарасини категориялашга хизмат қилувчи воситаларнинг концептуал-мазмуний хусусиятларини очиб берувчи концептуал белгилар, маданий код ва уни дешифровкалаш моделлари мазкур дастур мазмунини бойитган;

оламнинг лисоний манзарасида испан ва ўзбек тиллари параметрларига асосланган илмий қарашлар ва икки халқ тафаккури натижаси бўлган, минг йилларда шаклланган тил ҳосилалари таҳлилидан Yoshlar телерадиокомпаниясининг «Янги давр», «Биз томонларда...», «Саёҳатлар шамоли» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Yoshlar телерадиокомпаниясининг 2021 йил 23 февралдаги 14-01-222-сонли маълумотномаси). Натижада этнослар оғзаки, ёзма ёдгорликлари ва маънавий мерос намуналарини ёритиш, тил бирликларининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш орқали иборалар, турғун бирикмалар маъносини таҳлил эта олиш, уларнинг прагматик маъносини уқиш, англаш, таржима қилиш ва қўллай олиш стратегиясини ва босқичларини ёритиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 11 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (11 та республика, 5 та хориж), шулардан 4 та илмий мақола халқаро ва Scopus базасидаги журналларда чоп эттирилган. Натижалар 1та ўқув-лексикографик луғат, 1та электрон луғат, 1 та монографияда аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 243 саҳифадан иборат.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилшуносликда олам манзарасини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ва категориялаштириш масалалари**» деб номланган бўлиб, жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг тил ва оламни билишга оид тасаввурларга лингвистик ёндашувлари, фанлар методологиясида категория тушунчасига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари, тилшуносликда олам манзараси тушунчасига доир назарий қарашлар ва категорияларга бўлиш масалаларига билдирилган муносабатлар ўрганилган ҳамда улар янги назарий фикрлар билан бойитилган. Ҳозирги кунда тилшунослик фанида олам манзараси, категориялаштириш, концептуаллаштириш каби масалалар кўплаб тилшуносларнинг лингвомаданий, лингвокогнитив, прагмалингвистик ва бошқа нуқтаи назардан тадқиқот объектига айланмоқда.

Тил, бу – оламнинг бирламчи концептуаллашуви ва инсон тажрибаси рационаллашувининг универсал шакли, борлиқ ҳақидаги тафаккурда шаклланган билимларни ифодалаш ва аждодлардан авлодларга етказиш воситаси, инсон ҳаётидаги ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга воқеалар ҳақидаги тарихий хотиралардир. Рус олими И.А.Ильин, халқ тили унинг қалби ва руҳининг ўзига хос бадиий либосидир[11], деб тўғри таъкидлайди. Зотан, «…тилни асраш, ривожлантириш миллатнинг юксалиши демакдир».[12]

Бугун барча соҳаларда фаол *ренессанс* сўзи «қайта туғилиш, уйғониш» маъносидаги лотинча **renasci**дан келиб чиқиб, у италянчада Rinascimento, испанчада Renacimiento, француз тилида Renaissance шаклида намоёндир. Замонавий тилшуносликда ҳам янги даврга хос *этник ренессанс* шунга олиб келдики, илм-фанда энг долзарб ва мунозарали масалалар муайян халқ ва ижтимоий ўзига хослик ва ўзини ўзи англаш муаммоларидан иборат бўлиб қолди. Илмий изланишга хос мантиқ антропоцентриклик, лисоний идентиклик, тилнинг этногенез жараёнидаги ўрни муаммосига эътибор қаратишни талаб қилди.

Олам манзарасини категориялашда этноснинг шу пайтгача эришган барча ютуқлари ҳисобга олинади. Категория – юнонча сўз бўлиб, у *баёнот, айблов, ҳукм* маъносини берган, бугун у воқеликнинг энг муҳим муносабатларини ифодаловчи чуқур аҳамиятга эга когнитив тушунча сифатида қўлланилмоқда. Категорияларни ўрганиш субъектларнинг фундаментал, энг асосий синфларини аниқлашдан иборат. Аристотел категорияларга уларнинг ички қарама-қаршиликларини

---

[11] Ильин И. А. Одинокий художник : статьи, речи, лекции. – Москва: Искусство, 1993. – С.174.

[12] Ҳаитов А. Тил – миллатнинг маънавий бойлиги. Халқ сўзи газетаси. https://xs.uz/uzkr/post/til-millatning-manavij-bojligi

тушунишни назарда тутувчи онтологик маъно юклайди[13] ва «*Las categorías del ser son la esencia, la cualidad, el lugar, la acción y la pasión, la relación, la cantidad, etc.; el movimiento, por tanto, presenta necesariamente tres casos: movimiento en la cualidad, movimiento en la cantidad, movimiento en el lugar*»[14], деб келтиради. Н.Болдирев таъкидича, «категоризация» тушунчаси тилдан мулоқот қилиш, ахборот олиш ва сақлаш воситаси сифатида фойдаланганда қандай билимга эга эканлигимиз ва уни қандай қўллашимизни аниқлаб беради. Категоризация, бир томондан, объект ва ҳодисалар категорияларини ҳамда уларнинг номларини билиш ва, иккинчи томондан, у ёки бу объектларни конкрет категорияга киритиш, шу жумладан уларга тегишли номлар бериш жараёнидир»[15]. Ушбу тадқиқотда олам манзарасининг тегишли хусусиятларига кўра категорияларга ажратилди.

Категория когнитив тилшуносликнинг таркибий қисми – олам манзараси, унинг маъновий-мазмуний маркази нимадан иборат, бу манзара ниманинг атрофида қурилмоқда, деган саволларга жавоб топишда ва олам манзарасига хос қатламларни категориялаштиришда долзарб аҳамият касб этади. Олам манзарасини категориялаш лисондан фойдаланган ҳолда маълумот алмашиш, уни мавжуд билимлар тизими билан таққослаш орқали тоифалашдан иборатдир. Категориялаштириш – бу, бутун оламни категорияларга бўлиш, шу қаторда когнитив жараён сифатида олам манзарасининг лисонга, ҳудудга, миллий маданиятга, ўша маданият онтологик билими кабиларга алоқадор гносеологик тизимлашдир.

Биринчи бор физика фанида Г. Герц томонидан қўлланилган олам манзараси термини ташқи объектларнинг ички образлари йиғиндиси ҳисобланиб, ушбу образларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги мантиқий мулоҳазаларни шакллантиришга хизмат қилади, деб таърифланган[16]. Кейинчалик бу термин бошқа фанларга кўчди, Л.Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактат», Л.Вайсгербернинг «Она тили ва руҳнинг шаклланиши» асарларида олам манзараси термини ишлатилган. Л.Вайсгербер тадқиқотида оламнинг лисоний манзарасига диний, бадиият тушунчаларини сингдириш ғоясини келтирган ва оламнинг лисоний манзараси келажакда илмий манзара билан таққосланиши эҳтимоли ҳақида айтиб ўтган[17].

Н.Маҳмудовнинг ёзишича, антропоцентриклик асосий ғоя сифатида эътироф этилган бугунги тилшуносликда «олам манзараси», айниқса, «оламнинг лисоний манзараси» тушунчалари марказий ўринни эгаллади. Ҳозирги тилшуносликда айрим тадқиқотчилар томонидан «олам манзараси» терминига «борлиқ ҳақида ижтимоий (шунингдек, муайян гуруҳ, индивидуал) онгда шаклланган билимларнинг муайян тартибдаги жами» тарзида таъриф берилади ва оламнинг икки, яъни 1) бевосита ҳамда 2) билвосита манзараларини фарқлаш принципиал

---

[13] http://www.filosofia.org/cla/ari/azc10321.htm

[14] Aristotel. Metafísica. Libro undécimo. XII del movimiento. http://www.filosofia.org/cla/ari/azc10321.html (Таржима: Борлиқ категориялари моҳият, сифат, макон, фаолият ва иштиёқ, муносабат, миқдор кабилардан иборат бўлиб, шу қаторида, ҳаракат мажбурий бўлган учта ҳолатни тақдим этади: сифат категорияси, миқдор категорияси, макон (ўрин-жой) категорияси. – Таржималар тадқиқот муаллифига тегишли).

[15] Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. – Тамбов, 2001 – С. 67.

[16] Герц Г.Р. Принципы механики, изложенные в новой связи. – Москва, 1959. – С.208.

[17] Витгенштейн Л. Избранные работы (Логико-философский трактат, Коричневая и Голубая книги). – Москва: Издательский дом «Территория будущего», 2005. – 440 с.; Вайсгербер Л. Родной язык и формирование духа. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – 232 с.

аҳамиятга моликлиги таъкидланади (Попова, Стернин терминлари)[18]. *Олам манзараси* – бу субъектнинг атроф-олам, реал ёки хаёлий воқеликка оид билим ва фикр-мулоҳазалари мажмуасидир. Илмий тасниф ва талқинлар негизида мужассам бўлган дунё-борлиқ-олам тўғрисидаги дастлабки билимлар айнан тилда турғун шакллар кўринишида сақланиб қолган. Кузатувларимизга кўра, тилшуносликда асосан оламнинг лисоний ва концептуал манзарасига оид масалаларда тадқиқотлар олиб борилган, уларда бу жараёнга оид ёндашувнинг уч шакли кўрсатилган. Бу фикрлар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1) оламнинг концептуал манзарасидан оламнинг лисоний манзараси кенгроқ, деб ҳисобланади. Г.Брутяннинг фикрича, оламнинг концептуал манзараси олам лисоний манзарасининг «мағзи, асосий қисми»га мос келади, яъни «олам лисоний моделининг асосий мазмуни оламнинг концептуал моделига хос бор мазмунни қоплайди», яъни оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзараси томонидан қамраб олинади. Бу худди физика фанида кенг ўрганилаётган, борлиқдаги барча нарсани ютиб юбораётган қора туйнукка ўхшайди. Оламнинг концептуал манзараси чегаралари ортида борлиқ-дунё тўғрисидаги қўшимча ахборот ташувчи чекка периферialари қолиб кетади. Бунда оламнинг ҳам лисоний, ҳам концептуал манзарасига кирувчи ахборот у қайси тилда ифодаланишидан қатъи назар, инвариант ҳисобланади. Р.Абдуллаева ҳам, оламнинг лисоний манзараси тил ва унинг тарихий тараққиёт даври, маданиятнинг тилга кўрсатган таъсири ва умуман тил тушунчаси остида бирлашадиган ҳар қандай ҳодиса ва жараённи қамраб олади[19], дейди;

2) олам манзарасини тадқиқ этувчи кейинги ёндашувда оламнинг лисоний ва концептуал манзараларининг тенглиги таъкидланади. Бундай нуқтаи назарга хос хусусиятларни Г.Колшанский асарларида кўриш мумкин, унинг фикрича, «гносеологик жиҳатдан «тил-тафаккур» муносабати эмас, балки «лисоний тафаккур-борлиқ» муносабати ҳақиқийдир» ва «шу боисдан оламнинг лисоний манзараси ҳақида эмас, балки оламнинг тил ва тафаккурга оид манзараси ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади»[20]. Бироқ кейинчалик Г.Колшанский «оламнинг лисоний манзараси олам объектив манзарасининг иккиламчи мавжудлигидир» ва бундай иккиламчилик тилнинг тафаккурга принципиал боғлиқлигини англатишини тан олади;

3) учинчи концепцияга мувофиқ лисоний манзарага нисбатан оламнинг концептуал манзараси кенгроқлиги ҳақидаги фикрлар кузатилди. Бундай нуқтаи назар аксарият тилшунослар ишларида учрайди. Жумладан, З.Бойназаровнинг фикрича, биринчи босқич оламнинг концептуал манзараси, иккинчисини эса оламнинг лисоний манзараси дейиш мумкин; тил оламни махсус белгилар тизими орқали ифодалагани учун олам лисоний манзарасининг кўлами оламнинг концептуал манзарасига кўра анча тордир[21]. Бизнингча, кишида лисоний имкониятдан кўра, тафаккур доираси кенгроқдир.

---

[18] Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б.138.
[19] Абдуллаева Р. Оламнинг лисоний манзараси. FarDU ilmiy xabarlari, № 5, 2018. – Б. 134.
[20] Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и в языке.– Москва, 1990. – С.38.
[21] Бойназаров З. М. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси. Фил. ф. бўйича фалсафа д. (PhD) дис. автореф. – Самарқанд, 2020. – Б.11.

Зотан, инсон ўйлаганларини нутқда тўлақонли баён эта олмайди, фикрни вербаллаштиришда муайян мураккабликлар туғилади, баъзан сўз етмаётгандек туюлади.

Олам манзараси – бу, кўпқатламли тузилма. Бу қатламнинг ҳар бирининг шаклланишига йиллар, балки асрлар керак бўлади. Фарзандларга айтилаётган эртаклар – болага янги сўзларни ўргатиш, шу билан бирга, оламнинг фольклор (айни пайтда мифологик) манзара ҳақидаги илк билимлар – боланинг миллий ўзлиги шаклланишида пойдевор вазифасини ўтовчи умуммиллий тушунчалар англана бошлайди, зеро айнан асотирлар ва фольклор борлиқ пайдо бўлиши ҳақидаги билимларни жамиятга хос анъаналар ҳақида, мўъжизалар юз бериши (мифологик образлар), халқ тарихи, жамият ва одамлар орасидаги муносабатлар, сеҳрли предмет-артефактлар (ўзи учар гиламлар, сеҳрли чироқ, сеҳрли қалпоқча), илк гендер хусусиятлар (маликага эришиш учун қаҳрамонлик кўрсатиш, уч оға-ини ботирлар, ялмоғиз кампир) ва ҳ.к. ҳақидаги асосий тасаввурларни беради.

Тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида олам манзараси қуйидаги категорияларга бўлинди:

1. Оламнинг содда манзараси;
2. Оламнинг лисоний манзараси;
3. Оламнинг фольклор манзараси;
4. Оламнинг мифологик манзараси;
5. Оламнинг концептуал манзараси;
6. Оламнинг илмий манзараси;
7. Оламнинг сиёсий манзараси;
8. Оламнинг фалсафий манзараси;
9. Оламнинг диний манзараси;
10. Оламнинг миллий манзараси
11. Оламнинг фразеологик манзараси
12. Оламнинг зооморф манзараси;
13. Оламнинг фитоморф манзараси;
14. Оламнинг муаллифлик манзараси;
15. Оламнинг гендер манзараси каби

Бу категориялар ҳам ўз ўрнида бир қанча субкатегорияларга бўлиниши мумкин. Масалан, Оламнинг илмий манзараси – Оламнинг физик-механик манзараси каби.

Тилшуносликнинг концептуал ва металисоний аппаратига кириб келган олам манзараси термини жаҳон илмий адабиётларида *дунё манзараси, дунё образи, олам модели* ва *олам тасвири* каби терминларда ҳам учрайди, масалан, Ш.Махмараимова монографиясида *олам тасвири* деб аташни маъқул кўрган.[22] Оламнинг лисоний, концептуал, диний манзаралари бўйича салмоқли лингвокогнитологик ва лингвокультурологик тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ олам манзарасини бир тадқиқотда категорияларга бўлиб ҳамда ўзбек ва испан тилларини чоғиштириб монографик аспектда тадқиқ қилинган эмас. Олам манзарасини категориялашда фактик материалларга метафора ва ибораларнинг танланиши эса уларнинг олам тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни ташувчи, очиб берувчи концептуал тил воситаси эканлигидадир.

Ишнинг **«Олам манзараси тадқиқида антропоценрик ёндашув»** деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, унда оламнинг лисоний ва миллий манзарасида лисоний шахс тушунчаси; унинг маданият ва тил билан

[22] Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида метафора (Ўзбек тили теоморфик метафоралари мисолида). – Тошкент, 2019. – 128 б.

ўзаро алоқаси, оламнинг миллий манзараси тавсифида маданий код тушунчаси ва метафора ролининг илмий жиҳатлари асослаб берилган.

Лисоний шахс ўзбек тилшунослигида турли нуқтаи назардан ўрганилган, таърифлар берилган. Д.Ниязова фикрича, «нутқ тузувчи ва нутқни идрок этувчи шахс лисоний шахс бўлиб, лингвоперсонологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади».[23] Инсонга тилдан шунчаки фойдаланувчи шахс сифатида эмас, бу жараёнда у тил орқали ўз шахсий сифатларини намоён этувчи, унга миллий-маданий, этник белгиларни сингдирувчи, тилни сақловчи ва келажак авлодларга узатувчи тилдаги шахсият сифатида алоҳида ажралиб чиқди. Рус тилшунослигидаги «Языковая личность» турк лисоний манзарасида С.Улуғўғлида Dilsel Kişilik[24] ва А. Эргулнинг ишларида Şahsiyet Dili[25] сифатида кузатилди. Озарбойжон илмидаги тадқиқотларда бу термин «Dilçilikdə dil şəxsiyyəti»[26], дея тавсифланган. Бу терминнинг қирғизчада: *тилдик инсан*[27]; қозоқ тилида: *тілдік тұлға*[28] ва б. терминларда қўлланиши кузатилди ва ушбу тадқиқотда *тилдаги шахсият* бирикмасидан ҳам фойдаланилди. Тилдаги шахсият бу, нутқ қобилиятига эга тил ташувчиси сифатида қадрланадиган шахс, у ўзини ўраб турган борлиқнинг бевосита тилда акс этиши тушуниладиган лингвистик онг ташувчисидир. Тилдаги шахсиятнинг тили ва маданиятини ўрганиш бутун бир миллатнинг тили ва маданиятини чуқурроқ англаш демакдир. Тилдаги шахсият макроконцептини тўлиқ англаш учун унинг периферияси турли микроконцептлар орқали даражаланиб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, тилдаги шахсиятни очиб беришда миллий-маданий кодлар муҳим аҳамиятга эга. Код турли феноменлар ўзаро таққосланганида ва ягона тизимга бирлаштирилганида юзага чиқади. Мулоқот жараёнида коднинг декодланиши, яъни тушунарли бўлишини таъминлашда қуйидаги *алоқа элементлари* иштироки муҳим аҳамиятга эга:

Эмисор: мулоқотда хабарни узатувчи шахс.

Хабар: белгилар тўплами сифатида узатилувчи маълумот.

Рецептор: мулоқотда хабарни қабул қилувчи шахс.

Референт: хабарга йўналтирувчи воқелик.

Код: эмисор ва рецептор учун умумий бўлган хабарни ташкил этувчи белги ва қоидалар тўплами.

Мулоқот канали: хабарни қабул қилувчига тўсиқсиз етказиш усули.

Хабар мазмуни: ўзидан олдинги ва кейинги мазмунни ифодалаб хабарга якуний маъно берувчи ҳосила.

---

[23] Ниязова Д.Х. Бадиий матнда лисоний шахс типлари: фил.ф.ф.д. автореф. – Қарши, 2020. – 51 б.

[24] Uluoğlu S. Dilsel Kişilik (Linguistic Personality), Bireysel Dil (Idiolect) ve Bireysel Üslup (Idiostyle) Kavramlarına Genel Bir Bakış// Dil ve Edebiyat Eğitimi Dergisi. – Istanbul, 2015. – № 13. – Б. 35-43.

[25] Ergül Adem. Şahsiyet Dili ve Geliştiren Liderlik. – Istanbul, 2017. – 87 b.

[26] https://fayllar.org/i-turkoloji-qurultayn-90-illiyine-hesr-olunmus-beynelxalq-konf.html?page=18. (B.94.); https://arastirmax.com/tr/system/files/dergiler/25770/makaleler/13/1/arastirmax-dilsel-kisilik-linguistic-personality-bireysel-dil-idiolect-bireysel-uslup-idiostyle-kavramlarina-genel-bir-bakis.pdf; http://www.korpus.azerbaycandili.az/3342/BA%C4%9EIROVA%20G%C3%9CNAYQIZI.pdf

[27] http://jarchy.arabaev.kg/admin-admin/fotogalere/1550055358_149-153.PDF

[28] https://journals.sdu.edu.kz/index.php/ph/article/view/80




**1-чизма. Коднинг декодланиши учун зарур алоқа элементлари.**

Маданий кодни тушуниш, уни узатиш ва ёйиш турли маданиятли тиллар таркибига кирувчи шева, фольклор, рўзғор буюмлари, ов ёки бошқа фаолият тури предметлари, диний маросимлар, расм-русмлар, удумлар, одоб-ахлоқ қоидалари, санъат турларидаги бадиий образлар, ёзма, оғзаки матн ва бошқа кўплаб нарсалар воситасида рўёбга чиқади. Агар барча маданият феноменларига мулоқот қилиш факти, хабарлари деб қараладиган бўлса, уларни фақат код билан ўзаро муносабатдагина тушуниш мумкин. Тил кодлари эгалари маданиятнинг теран хусусиятларини, яъни воқеликнинг маданиятда қабул қилинган ўлчовларига мувофиқ концептуаллашувини ўзида яширади. Шу қаторда метафоралар муайян концептуал, миллий-маданий ва ҳ.к. манзарани очиб берувчи маданий код предмети бўла олади. Бунда метафора маданий менталликни ифодалаш воситаси ҳамда дунёни концептуал тушунишнинг шаклларидан бири сифатида амал қилади. Маданиятнинг кодини очишда метафорага одамнинг турмуши моделини атрофдаги табиатга ўхшатиб тилда яратиш воситаси деб қаралади, мас.: *умр – оқар дарё, вақт – олтин, кўнглим – тоғдек, el hombre – el cielo, el tiempo es oro* ва б. Маданият эгаларининг дунёни идрок қилиши матн ва гиперматнларда кодланади. Матн ва гиперматн – данак бўлса, метафора ва иборалар унинг мағзи вазифасини ўтайди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбек ва испан тилларининг олам манзарасини очиб берувчи когнитив тушунчалар моҳияти»** деб номланиб, унда олам манзараси тасвирида концепт, концептосфера тушунчаларига доир қарашлар, олам манзараси шаклланишида стереотипларнинг роли, олам манзарасининг тотем ва геральдика орқали ифодаланиши, фольклор ва мифологик манзарада бестиарийлар ва гербарийларнинг тутган моҳияти тадқиқ этилган.

Концептларга берилган таъриф ва уларнинг типологияси, уларни ўрганишга ёндашувлар ҳар хил бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида «концепт» терминига олам ҳақидаги билимларни намоён этувчиси сифатида қаралади. Н. Маҳмудов терминология масаласида тўхталиб, «улар ҳақида тилшуносликда жуда кўп ёзилган бўлишига қарамасдан, ҳали-ҳамон уларнинг айримлари, мас.: «лисоний шахс», «концепт» терминлари талқинида бир хилликка эришилган эмас»[29], деб ёзади. Ю. Степанов фикрича, концепт – маданий дунё ва индивидуал маънолар

---

[29] Маҳмудов Н. «Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб...»// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

дунёси ўртасидаги кесишиш нуқтасидир, бу инсон шуурида тўпланган маданият концентратига (сгусток) ўхшайди, у орқали маданият инсоннинг онгига киради[30]. Демак, одамзот келишган ва индивидуал ҳолда жамиятда умумий/хусусий ахлоқий-миллий-маданий қонун-қоида, стереотип ва эталонлар яратади. Уларнинг ҳаммаси инсоннинг онг-шуурида асрлар давомида йиғилган ментал билим – концептлар сифатида шаклланади.

Испан тилшунослигида ҳам «концепт»га турлича ёндашувлар бор. Х.Порто ва М.Мериноларнинг фикрича, «*Un concepto es, por lo tanto, una unidad cognitiva de significado. Nace como una idea abstracta (es una construcción mental) que permite comprender las experiencias surgidas a partir de la interacción con el entorno y que, finalmente, se verbaliza (se pone en palabras)*[31]. Концепт борасида аниқ таърифнинг йўқлиги унинг «тасаввур-тушунча-сўз маъноси» парадигмасидаги ўрнини бегилашда мураккаблик туғдиради. Концептнинг ментал мазмунида «онг-шуур бирлиги» тушунчаси сингиб кетган. «Когнитив концептлар – бу индивидуал мазмунли ментал тузилмалар бўлиб, атрофдаги воқеликни тартибга солади ва қайта тизимлайди, маданий концептлар эса – бу жамоавий мазмундаги ментал тузилмалар бўлиб, улар ўзлари тегишли бўлган маданиятнинг хусусиятларини кўрсатади»[32]. В.И.Карасик: тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири онгда содир бўлади, шунинг учун ҳар қандай лингвомаданий тадқиқот бир вақтнинг ўзида когнитив тадқиқотдир, деб ҳисоблайди. Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан инсондан маданиятга, лингвокультурология нуқтаи назаридан, маданиятдан инсонга томон ҳаракатланамиз[33]. Мазкур тадқиқотда В.И.Карасикнинг юқорида билдирган фикрларига асосланиб изланишлар олиб борилди.

Стереотиплар маданиятнинг барча стереотиплари каби тилда метафора ва турғун бирикмалар шаклида акс этади. Биз ўз маданиятимизга хос бўлган турли воқеликларни менталитетга сингиб кетган стереотиплар орқали қабул қиламиз. Масалан, **андиша** – ўзбекча стереотип, кўп тилларда бу тушунчанинг айнан муқобили йўқ. ЎТИЛда: АНДИША [*ф*. фикр, ўйлаш] **1** Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза[34], деб берилган. Қардош қозоқ тили вакиллари айтишича, ушбу тилда бу тушунчани англатувчи бир сўз мавжуд эмас, аммо умумий тасаввур бор. Бироқ тожик тилининг миллий-маданий манзарасида айни сўз ва маъно борлигини унинг асоси форс тилига боғлиқлиги билан белгилаш мумкин. Тожик тилининг изоҳли луғати (*Фарҳанги забони тоҷики*)да **Андеша** мақоласида бу сўзнинг 4-маъносида қуйидагилар акс этган:

**андеша кардан** а) фикр кардан, тааммул намудан. *Андеша кардан, ки чӣ гуям, бех аз пушаймонӣ хурдан, ки чаро гуфтам*. Саъдӣ[35].

---

[30] Степанов, Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. – Москва: Академический проект, 2001. – 590 с.

[31] Julián Pérez Porto y María Merino. Actualizado: 2013. Definición de concepto (http://definicion.de/concepto/) (Маъноси: «Концепт» маъновий жиҳатдан когнитив бирликдир. Мавҳум ментал конструкция сифатида тилшуносликка кириб келди, у бизга атроф-муҳит билан ўзаро таъсир натижасида келиб чиқадиган тажриба-воқеликларни тушунишга ёрдам беради, ва ниҳоят, у тилда вербаллашади).

[32]Карасик В.И., Слышкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Сб. науч. тр. – Воронеж, 2001. – С. 75–80.

[33] Карасик В.И. Концепты-регулятивы// Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. – Москва: МАКС Пресс, 2005. Вып. 30. – С. 97.

[34] ЎТИЛ, Т 1. – Б. 84-85.

[35] Маъноси: Айтганимдан афсуслангандан кўра, сўзлашдан олдин ўйлаб гапираман.

Ғарб тилларига бу сўз изоҳларда тушунтирилади. Испанлар миллий ментал олами манзарасида *El descaro no es la segunda felicidad, sino la primera* (*андишасизлик иккинчи бахт эмас, балки биринчисидир)* иборасидаги EL DESCARO ES EL CAMINO A LA FELICIDAD модели ўзбекчада АНДИШАСИЗЛИК – БАХТГА ЙЎЛ мазмунидадир. Бу ўзбек лисоний манзарасидаги *Гап келганда отангни аяма*, деган мақолга ҳам муайян даражада муқобил, баъзи ҳолатларда ҳақиқатни айтиш, андишасизлик, бетгачопарлик бўлиб туюлади.

Икки тил олам манзарасида индивидуал тушунчалар билан бир қаторда умумийлари ҳам мавжуд. Масалан, LA VIDA ES MENTIRA = ҲАЁТ – БУ, РЎЁ, яъни ҳаёт ёлғонга менгзалади. Ўзбек олам манзарасида ҲАЁТ – ЎТКИНЧИ моделида ўтиб кетувчи, вақтинчалик каби маъно англашилади. Кузатишларимизда икки тил олам манзарасида ҳаёт ҳақидаги иборалар (эвфемизмлар) бир-бирига муайян даражада мутаносиб келди:

| | |
|---|---|
| dar la vida | ҳаётини (жонини) тикмоқ (бермоқ) |
| dar vida | ҳаёт бермоқ; жонлантирмоқ |
| dejarse la vida | ҳаётни тарк этмоқ, оламдан ўтмоқ |
| ganarse la vida | тирикчилик қилмоқ |
| la otra vida o la vida eterna | ўзга олам ёки абадий ҳаёт |
| pasar a mejor vida | яхши ҳаёт/оламга ўтмоқ, вафот этмоқ |
| pasarse la vida+ gerundio | ҳаётини беҳуда ўтказмоқ |
| perder la vida | ҳаёти сўнмоқ, умр шамшироғи сўнмоқ |
| vida mía o mi vida | ҳаётим менинг/менинг ҳаётим (эркалаш) |
| vida perra o vida de perros | итдек яшаш (ит ётиш – мирза туриш) |

Мисоллар: *Difícilmente una persona sin fe, sin sentido de trascendencia, podría **dar la vida** por una causa superior.*[36]

*Асарнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожилар шу юрт истиқлоли, фаровонлиги, осойишталиги йўлига **ҳаётини, жонини тиккан** фидойи кишилардир.*[37] Ушбу келтирилган матнлар мазмун-моҳиятида дини/ҳудуди/тили турлича этнослар олами манзарасида «ҳаётий қарашлар» уйғунлиги акс этган. Чунки оламнинг диний манзарасида турли этносларнинг баъзи қарашлари муштаракдир.

Фауна ва флоранинг тотем, рамз сифатидаги тасвирини вербаллаштиришда махсус *лингвогеральдик* тадқиқотлар зарурлиги англашилмоқда. Масалан, *туя, арслон* қадимий туркий тилда *буғра, арслан* туркий халқлар томонидан эъзоз топган, тотем сифатида турмуш тарзида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, Қорахонийлар сулоласи вакилларидан бири *Буғра қара хан* бўлганлиги, шоҳларнинг *арслан* деб аталиши Маҳмуд Кошғарийнинг Девону луғотит турк асарида келтирилган[38].

---

[36] Vergara Villalobos M. A. Dios, Patria y familia./ Revismar. Constitución pastoral Gaudium et spes», № 79. https://revistamarina.cl/revistas/2016/1/mvergarav.pdf (Эътиқодсиз, муҳаббат туйғуси бўлмаган одам, ўз ҳаётини олий мақсад учун бериши мумкин эмас)

[37] Аҳмад Муҳаммад. Қодирийнинг «нимкоса»лари. «Ўткан кунлар»га янгича назар. http: // e-adabiyot.uz/component/content/article/53-adabiy-suhbatlar/812-maqola.html?tmpl=component&print=1&page=

[38] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. – Тошкент, 2016. III Т. – Б. 273.

Испанча **cóndor** (кондор) кечуа тилида *энг катта қуш* маъносини бериб[39], у куч, ақл ва юксаклик рамзи ҳисобланган, унинг парвози қуёшни тоғлар узра кўтаради, дея сиғинилган. Бу концепциялар асрлар давомида кенгайиб борган. Дунё тамаддунида маданиятлар ривожланган, инсон тафаккури ўсиб афсона ва реалликни фарқлаган, табиат ва коинот ҳодисалари ҳақида етарли билимга эга бўлса-да, мифологик, фольклор ва лисоний манзараларда фауна ва флора муҳим белги сифатида яшаб қолди. Бунинг тасдиғини мамлакатлар расмий туғ-қалқонлари аксида кўриш мумкин, масалан: кондор Боливия гербида уфқларга чўзилган чексизлик, Чилида куч-қудрат, Колумбияда озодлик ва қонун устуворлиги, Эквадорда куч, жасорат ва буюкликни англатади ва ҳ.к. Кондор рамзи тотем сифатида ушбу этнослар тафаккурида минг йиллардан бери шаклланган ва бугун инсоният яратган рамзий белгиларда яшамоқда, миллий ўзликни англатиш концепти сифатида акс топмоқда.




**1-расм. Кондорнинг Чили ва Боливия гербларида акс этиши.**

Тамаддуннинг юксак ривожи, коинот забт этилаётган бугунги глобаллашган, интеграциялашган дунёга қарамасдан жаҳондаги кўп халқлар олам манзарасида бундай «илоҳлар»нинг элементлари етиб келган ва қадимги дунё анъаналари билан сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек олам манзарасида СУВ – МУҚАДДАС модели минг йилларга бориб тақалади. *Ер – она, сув – ота*, дейди халқимиз, унинг моҳиятида ҳам ота-онанинг, ҳам ер ва сувнинг буюклиги, тенги йўқ неъматлиги эътирофи ётади. Испанча манбаларда СУВ ҳақида тушунчаларни ўрганганимизда, жуда қизиқарли маълумотлар учради. Испан тилининг чексиз ҳудудларга тарқалганлиги ареал тилшуносликда ҳам долзарб ва қимматли тадқиқотлар ўтказиш мумкинлигини тасдиқлайди. Масалан, манбаларда AGUA – СУВга хос бир испанзабон ҳудудда мавжуд, бошқа испан ареалига нотаниш метафоралар борлиги кузатилди. Мексикада **¡aguas!** ундов сўз ҳисобланади, ҳушёрликка чақиради, хавфли вазиятларда кенг қўлланилади: *¡aguas! ¡va a pasar el tren! (Сувлар! Поезд ўтмоқчи!) – Диққат, поезд ўтмоқда! Agua (сув)* лексемаси **-s** кўплик қўшимчаси билан ёзилганда сўзма-сўз таржимада *сувлар* бўлади ва унинг замирида *кўп сув, катта оқим* маънони тушунилади. Сув танқис бўлган бизнинг юртларда ҳам ота-боболаримиз «Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра» деб бежиз айтмаган.

[39] http://etimologias.dechile.net/?co.ndor

Сувнинг Мексика испан тилидаги бу маъноси унинг бевосита географик жойлашуви билан боғлиқ, бу давлат ҳудудини Тинч уммони, Кариб денгизи, Мексика қўлтиғи сувлари ўраган; мамлакатда кўплаб катта кўллар бор ва бешта дарё оқиб ўтади; шу сабаб у ерларда сув кўп талафотлар келтирган ва халқ хотирасида сув тўфонларидан қолган *¡aguas! (сувлар) – эҳтиёт бўл!* маъносида қўлланилади.

Диссертациянинг **«Ўзбек ва испан тиллари олам манзараси категория-ланишида миллий-маданий, лингвогеографик ва лингвоаксиологик омилларнинг ўрни»** номли тўртинчи бобида олам манзараси шаклланувида миллий-маданий ва лингвогеографик омиллар, лингвоаксиологиянинг ўрни ва кросс-маданий услуб, зоонимли компаратив фразеологик бирликлар (КФБ)нинг миллий-маданий хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Ўзбек лисоний манзарасида *жигар* лексемаси кўп маънoли ҳисобланади. Ранг сифатида «жигарранг», тиббиётда «инсон тана аъзоси», озиқ-овқат маҳсулоти (жигар кабоб) ёки кўчма маънода яқин қариндош (ака-ука, опа-сингил)ни ифодалайди. *Жигарбанд, жигарпора, жигарсўхта, жигархун, жигарчилик* каби қўшма сўзларда, *жигари сув бўлмоқ, жигархун бўлмоқ, жигар-бағридан урмоқ, жигар-бағри куймоқ* каби ибораларда учраши ушбу форсча лексеманинг ўзбек тилига сингиб/ўзлашиб кетганлигини кўрсатади. Қуйида ушбу сўз ҳам метафора, ҳам тана аъзоси сифатида қайд этилган: а) «*Опа, опажоним, жоним **жигарим**, дийдорингизга шунча зор қиласизми, сизни қидирмаган жойимиз қолмади-ку... Мана, мени уринг, ўлдиринг, фақат кетиб қолманг опа, сизни топгунча **жигарларим** ситилиб кетди-ку*» (Ш.Салимова. Сўқир аёл)[40]. б) *Ука – **жигар**, тош отай деса, **жигарчилик**, отмай деса, хон турипти; ниҳоят, тўнидан увада юлиб отибди.* (А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари)[41]. Шунингдек, халқ орасида «пул жигардан пайдо бўлган» ибораси кенг тарқалган: *Доно халқимиз пул ҳақида кўплаб ривоятлар, пурҳикмат мақоллар тўқиган: ... «Пул жигардан бунёд бўлар»*[42].

Испан лисоний манзарасида *жигар – el hígado* лексемасининг ўзбек тилидагидек кўчма маънолари кузатилмайди. Яқин қариндош-уруғларни аташда испан тилида *sol (қуёш), cielo (осмон), corazón (юрак)* каби сўзлар қўлланади, аммо улар ўзбек тилидаги *жигар* лексемасининг маъно-мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. Қизиғи, пул ҳақида гап кетганда ўзбек лисоний манзарасида инсон тана аъзоси *жигар* қўлланса, испан тилида нарх-наво ҳақида гап кетганда *riñon (буйрак)* ишлатилади. Масалан, *Los pisos **cuestan un riñón**, los militantes de los partidos suelen cerrar filas en torno a sus dirigentes, la mayoría silenciosa de un país no tiene muchas ocasiones de expresar sus opiniones*[43]. *(Квартиралар **жуда қиммат** (*айнан: ***квартиралар бир буйрак нархида)**, партия фаоллари етакчилари атрофида саф тортишга интилишади, мамлакатнинг оғзига талқон солиб олган кўпчилиги бу ҳақда гапирмайди.)* Бу гапда квартира нархининг қимматлиги *буйрак*

[40] Салимова Ш. Сўқир аёл. https://uzhurriyat.uz/2021/12/31/sharifa-salimova-hayotiy-hikoyalar/

[41] Абдулла Қаҳҳор Қўшчинор чироқлари. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_nasri/Abdulla%20Qahhor.Qo'shchinor%20chiroqlari%20(roman).pdf

[42] Шодмон Отабек. Солиҳбой фалсафаси ёхуд пул ҳақида куюнчак мулоҳазалар https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2009-sp-135389244/

[43] https://www.elperiodicomediterraneo.com/sociedad/2010/08/06/expresion-costar-rinon-diccionario-42377931.html

лексемаси билан ифодаланган. Бизнингча, буйракнинг ушбу метафорик мазмуни тиб илми ривожланган Испанияда буйрак кўчириб ўтказиш амалиётига боғлаш мумкин, чунки буйракнинг нархи жуда қиммат баҳоланади. Ўзбек тилида нарх-наво ҳақида гап кетганда «отнинг калласидек» ибораси ишлатилади: *Савдогарлар молини кифтига келтириб мақтайди, «билса ҳазил, билмаса чин» қабилида отнинг калласидек нарх айтади*[44]. Лингвогеографик омилнинг инсон когнициясига таъсири олам манзараси ҳамда халқ оғзаки ижоди, қолаверса сўз бойлиги нуфузида катта аҳамиятга эга.

Испанзабонларнинг фольклор манзарасидаги кўпгина қимматли маълумотлар сирасида СУВ ҳақидаги Пуэрто Риколик Doris куйлаган алла икки тил олам манзарасидаги табиатга эътиқоднинг умумийлигини тасдиқлайди:

| | |
|---|---|
| Madre Tierra, Padre Sol<br>Madre Tierra, Padre Sol,<br>luna en mi interior (2 veces).<br>Agua que me cae,<br>cielo que me trae,<br>voz de los ancestros que me llaman<br>(2 veces). | Она Ер, Ота Қуёш<br>Она Ер, Ота қуёш,<br>менинг ичимда ой (2 марта).<br>Менга томон ёғмоқда сув,<br>менга олиб келмоқда осмон,<br>мени чорлаётир аждодларим овози<br>(2 марта). |

Дунё тиллари олам манзарасида хусусийлик шу тиллар соҳибларининг когнитив тафаккурига боғланади. *Галактика* (gala, gálaktos) юнончада *сут, сутли* маъносини англатади. Бизга маълум галактиканинг ўзбекча *сомон йўли* аталишига сабаб юлдузларнинг бир маконда зич спиралсимон жойлашганлиги, ота-боболаримиз уни ранги ва тузилишига нисбатан «ҳўп» жараёни – қадимги буғдойдан донни ажратиш механизмига ўхшатганлар, юнонлар эса сутнинг ҳолатига менгзаганлар. Юнонча Kiklios Galaxios (сутли айлана) бошқа ғарб тилларига ҳам маъновий ўзлашиб кетган, луғатларда испанчада Vía Láctea (сут йўли), рус тилида ҳам Млечный Путь (сут йўли) деб ёзилган. Бу терминнинг келиб чиқиш тадқиқи бизни юнон мифологиясига йўналтирди: Юнон худоси Зевс ерлик аёл Алкменадан Ҳеракл исмли ўғил кўрган. Илоҳлар гўдак Ҳераклнинг келгусида қаҳрамон бўлишини сезиб, унинг барҳаёт яшаши учун чора излаб топадилар, яъни болани уни ўлдиришга интилаётган ухлаган илоҳа Ҳеранинг кўксига жойлайдилар, аммо уйғониб кетган Ҳера эмаётган гўдакни куч билан тортади, ва кўксидан сачраган сутдан Сут йўли (Сомон йўли) ҳосил бўлади[45]. Астрономия илмида ғарб олимлари юлдузлар бирлашмасини *галактика* деб аташ энг мантиқий деб топдилар. XXасрда ҳам бу самовий шаклланишлар узун сут зарралари сочилган йўлларга ўхшашлиги ва шунинг учун галактика номи тўғри қўлланган, деган тўхтамга келинган[46]. Аммо манбаларга мурожаат қилганимизда, бу термин шведчада Vintergatan қор йўли[47]; япон тилида 天の川 кумуш дарё; хитой тилида 銀河 самовий дарё деб аталиши кузатилди. Араб тилида, ҳам сут йўли الطريق اللبني «ат-Тариқ ал-лабаниййй», ҳам сомон йўли – درب التبانة «Дарб ат-таббана» иккала талқини қўлланилади. Турк тилида Samanyolu бўлса, энг

---

[44] Салим С. Барча йўллар Пекинга элтади. https://ziyouz.uz/yangiliklar/barcha-yullar-pekinga-eltadi/
[45] Diccionario etimológico. http://etimologias.dechile.net/?galaxia
[46] Etimología de galaxia/Blog de lengua. https://blog.lengua-e.com/2015/etimologia-de-galaxia/
[47] https://sv.wikipedia.org/wiki/Vintergatan#Etymologi (murojaat sanasi: 07.02.2021)

қизиқарлиси ён қўшни ва қардош қозоқ тилида у Құс жолы (Қуш йўли)[48], деб аталади. Бу номларнинг этимологик келиб чиқиши этносларнинг ривоятларига бориб тақалади. Оламнинг мифологик манзарасида бир тушунчанинг турли халқларда турлича аталиши ва уларнинг баъзилари илм-фан томонидан тан олиниб, мифологик манзарадан илмий манзарага кўчиши терминологиянинг қизиқарли фактларидандир.

Умуман олганда, олам манзараси дунё ҳақидаги оддий, лисоний, илмий, диний билимлар бирга мавжудлиги туфайли само ва коинот, инсон ва шахс, меҳр-мурувват, онг ва тафаккур кабиларни таҳлил қилиш натижасида иккаламчи маъноларни пайдо қилади. Халқнинг маданий коннотацияларини билиш оламнинг турли манзара ва концептуал тузилмалари тадқиқида муҳим аҳамият касб этади. Бир тилдаги баъзи миллий-маданий концептлар бошқа концептуал тизимга таржима қилинганда ўша маданиятнинг шунга мос концептига алмаштирилади. Ф.Г.Лорка ижодида фақат испан лисоний ва миллий-маданий манзарасига тегишли кўплаб ташбиҳлар учрайди:

| **Испан тилидан** | **ўзбек тилига** |
|---|---|
| *El concierto interrumpido*<br>*(Buzilgan tomosha)* шеърида<br><br>*y un chopo solitario,*<br>*el Pitágoras de la casta llanura,*<br>*quiere dar con su mano centenaria un cachete a la luna* | Бизнинг таржима:<br>*Пифагор – ёлғиз терак,*<br>*кўтарди 100 йиллик қўлин*<br>*Ойнинг ёноғига урмоқчи бўлиб*<br>Шавкат Раҳмонда:<br>*Пифагор – кекса терак*<br>*кўтарди улкан қўлин,*<br>*адабсиз ой юзига тарсаки урмоқ бўлиб* |

Шавкат Раҳмонда Пифагор – кекса терак, қўл – улкан, деб ўгирилса, W.S.Merwinнинг инглизчага таржимасида ҳам 100 йиллик қўл учрамайди ва *and a solitary poplar; Pythagoras of the pure plain; lifts its aged hand to strike at the moon* [49] (Пифагор – якка терак, қўл – қари) тарзида кўриниш олади. Таржима муваффақиятида маданиятлараро билимларга эга бўлиш замонавий мутахассиснинг асосий ваколатларидан биридир. Ўзаро мулоқот жараёнида сўзлашувчилар томонидан қабул қилинган стереотиплар, ахлоқий меъёрлар ва қоидаларни ҳисобга олмасдан бир-бирини тўлақонли тушунишга эришиш мумкин эмас. Демак, турли тизимли тилларни чоғиштириб уларнинг мифологик, лисоний, миллий-маданий, фольклор ва ҳ.к. манзараларини илмий тадқиқ этиш бу тилларгагина хос бўлган кодларни очишга, лисоний тезаурус бойишига олиб келади. Олам манзараси ҳосили инсоннинг изланишлари ва тажрибаси натижасидир. Бунда олинган билимнинг тажрибада синалиши орқали инсон тафаккури юксалиб боради.

Испан тилида «(ser) un pez gordo (семиз балиқ)» КФБда кишига нисбатан салбий баҳо бериш оттенкаси яширинган. Одатда нуфузли шахс ёки кимнингдир кучли ҳимояси остида бўлган ҳамда қонунга хилоф фаолият олиб борувчи кишига нисбатан ишлатилади → persona poderosa/influyente/rico ← кучли/нуфузли/бой шахс (DRAE, T II, 569). Масалан: *Persona muy importante y rica, generalmente un*

[48] https://engime.org/s-joli-galaktikasi-turali-iziti-melimet-s-joli-galatikasi-shif.html
[49] http://www.brindinpress.com/pslorcon.htm (murojaat sanasi: 07.02.2021)

*político o un narcotraficante: una fiesta llena de peces gordos*[50]. Манбаларда келтирилишича, адолат посбонлари ҳам агар бирор йирик жиноятчини қўлга олсалар мазкур иборани ишлатадилар[51]. Бизнингча, бу ибора ҳаётий воқеликнинг – балиқ ови натижасининг кишилар хатти-ҳаракатига кўчиши орқали концептуаллашган. Биринчидан, кичик балиқлар катта балиқларга ем бўлади: бу ҳодиса одам фаолиятига ибора бўлиб кўчганда унинг семантикасида пейоратив маъно келиб чиқишига ишора беради. Иккинчидан, балиқ ови пайтида кичик балиқлар катта балиқларга нисбатан тўрга кўп илинади. Кўчма маънода: кичик ҳуқуқбузарлик содир қилган кишилар тез-тез жавобгарликка тортилиб турсалар, «катта балиқлар» эса доим ҳам «тўр»га илинмайдилар. Ўзбек лисоний манзарасида «наҳанг» кўчма уддабуррон, учар, шу билан бирга иштаҳаси карнай, беш панжасини оғзига тиқувчи амалдор кишиларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Мас.: *Наҳангдай каттадаҳан беку аъёнларни идора этиш осонми?* (П.Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

Тилшуносликда кросс-маданий тушунчаси маданиятни ўрганишдаги қиёсий-тарихий, компаративистик методларга ёки «маданиятлараро»[52] лексемасига синоним сифатида ёритилади. Демак, кросс-маданий ёндашув – бу, икки ва ундан ортиқ ҳар хил этносга хос ва мос бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий қарашларни қиёсий-тарихий, қиёсий-чоғиштирма жиҳатдан таққослаш, бу қарашларнинг у ёки бу жамиятга тегишли одамлар онгига, хулқига таъсир доирасини ўрганиш, уларнинг ўзига хос томонларининг оламни категориялаштириш ва концептуаллаштиришдаги ўрнини аниқлаш, этнослар маданиятидаги ўзига хослик ва умумийликни аниқлаш ва шулар орқали тўпланган маданий-коммуникатив барча билимлар ҳосиласидир.

**«Ўзбек ва испан тиллари олам манзарасини категориялашда терминларнинг роли»** номли бешинчи бобда оламнинг сиёсий манзарасида «юмшоқ куч» ва «тил сиёсати» тушунчалари, оламнинг ҳарбий-лисоний манзарасида терминлар тавсифи ҳамда олам гендер манзарасининг миллий-маданий хусусиятлари каби масалалар кўрилган.

Олам манзараси таркибига оламнинг сиёсий манзарасини киритиш глобаллашган дунёда сиёсий қудрат остида бир қанча янги тушунчаларни тил фондига олиб кирди. Оламнинг сиёсий манзараси жуда кенг тармоқли бўлиб, ўз ичига сиёсатга доир барча тушунчаларни қамраб олади. Бугунги «юмшоқ куч» ва «тил сиёсати» терминлари бу манзаранинг асосий негизларини ташкил қилмоқда. Жаҳон тил сиёсатида фаол қўлланилаётган «юмшоқ куч» термини сиёсатшунос, тилшунос, социолог ва бошқа соҳа вакилларидан иборат кенг аудиторияни ўзига жалб этади. Ушбу термин дастлаб 1980 йилда Америкалик олим Жозеф Ней томонидан илм-фанга татбиқ этилди. У «юмшоқ куч» деганда, авваламбор «қаттиқ куч»дан фарқли равишда инсонларни ўзи мустақил равишда (ўз хоҳиши билан) ёқтириши, танлаши мумкин бўлган, жозибадорлик сингдирилган ниманидир бажаришга **ундаш, ишонтириш** сингари ғоялар ётган ҳокимиятни бошқариш шаклларидан бири – «юмшоқ ҳокимият»ни назарда тутган[53].

[50] http://diccionario.sensagent.com/pez%20gordo/es-es/
[51] http://ibericalanguages.com/es/expresiones-relacionadas-con-peces/
[52] Вайнштейн С.И. Сравнительным метод // Культурология XX век. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 224.
[53] Пашаева Г.М. «Языковое измерение Soft Power». http://cyberleninka.ru. 2019.

Ж.Нейнинг фикрича, тил ва маданият орқали дунёдаги халқаро муносабатларга бевосита ёки билвосита таъсир қилишда давлатлар томонидан олиб борилаётган «юмшоқ куч» сиёсати муҳим роль ўйновчи механизм бўлиб хизмат қилади.

Мавзуга алоқадор мақолалар тадқиқ қилинганда, мутахассислар томонидан тил ўргатиш билан биргаликда давлатлар томонидан ўз маданият ва урф-одатларини сингдириш ва шу қаторда сиёсий, иқтисодий мақсадларини ҳам амалга оширишга бўлган хатти-ҳаракатларига урғу берилгани кузатилди. Бу мавзуда қўлланиладиган **актор** термини аслида лотинча «actor» сўзидан келиб чиққан, у *арбоб, кўзга кўринган субъект, актёр* маъноларини беради ва фаол ишлатилмоқда. Халқаро муносабатларда *акторлар* деганда сиёсий-маданий жараёнларда фаол ва устун давлатлар, гуруҳлар, ҳаттоки муайян қудратга эга шахслар ҳам назарда тутилади. Бугунги ахборот кураши асрида кечаётган жараёнларнинг асосий объекти инсон, предмети эса инсон онги, тафаккури ҳисобланмоқда. Бу курашнинг ортида эса давлатлар ўртасида кўп асрлардан бери давом этиб келаётган маънавий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ёки ижтимоий соҳалардаги манфаатларни қондириш йўлида олиб борилаётган «юмшоқ куч» сиёсати турганлиги ва бу ҳаракатлар орқали инсон қалби ва онгига кириб борилиши маълум бўлмоқда.

Дунёнинг барча тилларидаги ҳарбий терминологияга ҳам метафоралик хосдир. Ҳарбий соҳада термин аввал бир маъноли қатъий номинация вазифасини ўтаган бўлса, ўхшашлик асосида иккиламчи номинация-метафорага кўчиши характерлаш ва эмоционал-экспрессив баҳо беришдан иборатдир. Тадқиқотчи А.Курганов фикрича, «терминларнинг бир термин тизимидан бошқасига «миграцияси»нинг ўзга хос ҳолатини алоҳида эътироф этиш лозим. Масалан, исталган бизнес-лексика луғатида қуйидаги терминлар мавжуд: *strategy, action, operations, campaign, force (sales force, task force), division, Chief, Officer, target, conflict, defeat, capture, strengths, threats, resources* ва бошқалар. Ушбу терминларнинг «ҳарбий» соҳадан келиб чиқишига шубҳа бўлиши мумкин эмас»[54]. Термин билдириб келаётган тушунчасига кўра бир маъноли, тизимли ҳамда нейтрал сўздир (масалан, армия, аскар). Терминлар ўз қурилишига кўра *оддий* (сержант – sargento), *қўшма* (ракетаташувчи – portador de misiles) ҳамда *бирикмали* (фахрий қоровул – Guardia de honor) бўлиши мумкин. Демак, термин фан ва техниканинг муайян соҳаларини аниқлаб келувчи сўз ёки турғун сўз бирикмасидир. Масалан, *жарроҳ, скальпел* тиббиётга оид; *энергия, куч* физикага оид; *поэма, модернизм* адабиётшуносликка оид терминлардир. Аввалдан маълум бўлган терминларнинг янги маъноларини пайдо бўлиши асосан дунё сиёсий манзарасининг ўзгариши, шунингдек фан ва техниканинг ривожланишига боғлиқ. Баъзан бир термин бир неча соҳага хизмат қилади. Фикримизча, бундай терминларни ҳам иккига ажратиш мумкин:

а) икки ва ундан ортиқ соҳага тегишли, аммо бир маънони билдириб келувчи терминлар (масалан: оптика (физика) ва оптика (астрономия);

б) икки ва ундан ортиқ соҳага тегишли турли маъно билдириб келувчи терминлар (масалан: куч (физикада) ва куч (армияда – жанговор куч).

---

[54] Курганов А. Ҳарбий терминларнинг ишлатилиши ва улардаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари// «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал, № 4 (23)/ 2018. https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2019/04/KURGANOV.pdf

Бундай кўп маъноли терминлар барча тилларда учрайди. Шундай сўзлардан бири ўзбек тили лисоний манзарасига ўзлашган *таран* лексемаси бўлиб, қадимий ҳарбий термин бўлса-да, бугун у бир неча соҳанинг термини ҳисобланади. Бундай девор бузувчи қуроллар қадимий манбаларда араб тилидан ўзлашган *манжанақ* деб ҳам аталган. Таран лексемаси кейинги даврларда рус тили воситасида ўзбек тилида қўллана бошлаган. Тараннинг ҳарбий техника сифатида қўлланилиши яъни душман деворини (сафини) пона сингари ёриб кириш хусусияти қўшинга нисбатан метафора бўлиб келади. Уруш давомида жангчиларнинг учли/учбурчак ҳолатда тезлик билан душман қўшини ичига ёриб киришига *таран тактикаси* дейилган. Бу терминни ўрганиш борасида ОАВда қўлланган қизиқарли фактларга дуч келдик, яъни бошқа соҳа вакилларини тавсифлашда метафоралаштириш жараёни юз берган ва у қуйидагича қўлланилмоқда: «***Андрей Сидоров*** *баланд бўйли (икки метрга яқин),* ***таран*** *типидаги ҳужумчи. Айнан унинг боши билан берган зарба ёки узатмасидан сўнг, шериклари рақиб дарвозасини ишгол қилган*»[55]. Демак, спортчининг бош билан зарба бериши таранга муқояса қилинган.

Тадқиқот давомида *таран* ҳарбий-лисоний манзара терминининг бир неча соҳага оид илмий термин эканлиги аниқланди: *таран – ҳарбий техника; таран – сув техникаси; таран – ўсимлик; таран – балиқ; таран – метафора.*

Демак, ҳар бир тилда мавжуд оламнинг ҳарбий-лисоний манзараси таҳлили ва ҳарбий-техник қуроллар номланишининг ўзиёқ тил нуқтаи назаридан ҳам қизиқарли фактларни тақдим этади. Ўзбек тилига ўзлашган яна бир ҳарбий термин **снайпер** инглизча **sniper** сўзидан келиб чиққан, у рус тили воситаси орқали ўзбек тилининг ҳарбий-лисоний манзарасига ўзлашган. Инглизча *sniper snipe* лексемасига -r қўшимчаси қўшиш орқали ясалган сўз. *Snipe* (рус: бекас, ўзб.: лойхўрак) жуда тез учадиган қуш тури, у олдиндан айтиб бўлмайдиган, манёвр-йўналишини тезликда ўзгартириб парвоз қила олади. Шунинг учун бу қушни овлаш ўта мураккаб ҳисобланган ва уни ўлжа тутган овчилар снайпер (снайпни овлаган овчи) деб аталган. Оддий қурол билан *снайпни* ота олган ҳар қандай инглиз виртуоз мерган ҳисобланган. Бугун ушбу термин ҳарбий соҳада юқори аниқликдаги отувчиларни аташда тўлиқ қабул қилинди. Снайперни лойхўрак овчиси деб тўғридан-тўғри таржима қилиш ўзини оқламайди. Биринчидан, бу қуш Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалмаган, иккинчидан ўзбек менталитети уни овлашни аниқликда отувчи, деб қабул қилмайди. Ўзбек маданиятида азалдан бўри, айиқ каби кучли ҳайвонларни овлаш статус ҳисобланган. Демак, дунё тилларида гарчи баъзи ўзлашган сўзлар бошқа мазмунда кириб келган ёки нотўғри таржима қилинган бўлса ҳам фаол қўлланилмоқда. Ушбу инглизча *снайпер* термини ўзбек ҳарбий-лисоний оламида мазмун жиҳатдан тўғри ишлатилади, бироқ, фикримизча, мўғулчадан ўзлашган *мерган* терминини снайпер ўрнида қўллаш мумкин. ЎТИЛда **мерганга** *ўқотиш бўйича ғолиб, ўқни аниқ отувчи*, деб изоҳ берилган. Англашиладики, мерган ҳам снайперга ўхшаб аниқ нишонга урувчи кишиларга нисбатан ишлатилган, қадимги ҳарбий ҳаракатларда мерганнинг вазифаси узоқ масофада жойлашган душман нишонларига аниқ зарба бериш орқали жанговар операцияларни қўллаб-

[55] «Қўқон 1912»нинг кучи нимада? http://kokand1912.uz/uz/news-club/11436

қувватлашдан иборат бўлган. Ушбу тавсифлардан снайперга мерган терминини тенглаштириш мумкин. Снайпер сўзи испан ҳарбий-лисоний манзарасига ўзлашмаган, испанча **francotirador** мерган маъносини беради[56]: *Soldado que no pertenece al ejército regular y que combate actuando aisladamente.* Francotirador лексемаси шахснинг жараёнда якка, эркин ҳаракат қилишини билдиради.

Тил шунчаки сўзлардан иборат эмас, балки маданиятни ташувчи восита ҳамдир, тил тадқиқида ўша лисоний оламга хос сўзлар муҳим аҳамиятга эга, янги сўзни қабул қилишдан кўра тарихий бўлса-да, ўз сўзини тиклаган афзал ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган *тил сиёсатининг* асосий мақсади она тили софлигини, бойлигини сақлаб қолишга қаратилган.

## ХУЛОСА

1. Олам манзараси ҳодисаси асрлар давомида файласуфлар, тилшунослар диққат марказида туради, бу йўналишда қилинган махсус тадқиқотлар кўп эмас, шу боис соҳада кўплаб муаммолар ечимини топмаган. Турли лисоний моделлар орқали у ёки бу олам манзарасини ифодалашда *олам тавсифи, олам модели, дунё тавсифи, дунё манзараси* ва ҳ.к. кўпдан-кўп терминлар тадқиқотларда қўлланилган. Бу соҳада *олам манзараси* энг мақбул термин сифатида тан олинади.

2. Олам манзараси семантикаси кенг кўламли ва кўпқиррали бўлиб, гоҳида уни асослашда ҳам концептуал, ҳам баҳолаш жиҳатидан қарама-қарши мазмунлар уйғунлашиб кетади. Олам манзаралари кўпқирралилиги категорияларининг кўп маротаба кесишишини асослайди, бу эса бир терминнинг таркибий аъзо сифатида бир нечта олам манзарасига киришининг натижаси ҳисобланади. Испан ва ўзбек тилларида муайян лексема унга берилган таъриф бўйича оламнинг содда, илмий, диний, мифологик ёки бошқа манзарасига тегишли бўлиши мумкин.

